

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АДИЛОВА ШАХНОЗА РАХИМОВНА**

**XX-XXI АСР АМЕРИКА ОММАВИЙ АДАБИЁТИДА СЕНТИМЕНТАЛ  
ИШҚИЙ РОМАНЛАР  
(НОРА РОБЕРТС ИЖОДИ МАТЕРИАЛИ АСОСИДА)**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

УДК: 821.111(73).09  
“19/20”

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Адилова Шахноза Рахимовна**

XX-XXI аср Америка оммавий адабиётида сентиментал ишқий романлар  
(Нора Робертс ижоди материали асосида).....3

**Адилова Шахноза Рахимовна**

Сентиментальный любовный роман в Американской массовой литературе  
рубежа XX-XXI веков (на материале творчества Норы Робертс) .....23

**Adilova Shakhnoza Rakhimovna**

Sentimental love novel in American mass literature of the 20th-21st centuries (on  
material of Nora Roberts' works).....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АДИЛОВА ШАХНОЗА РАХИМОВНА**

**XX-XXI АСР АМЕРИКА ОММАВИЙ АДАБИЁТИДА СЕНТИМЕНТАЛ  
ИШҚИЙ РОМАНЛАР  
(НОРА РОБЕРТС ИЖОДИ МАТЕРИАЛИ АСОСИДА)**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида 2017.3.PhD/Fil226 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Лиходзиевский Анатолий Степанович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Халлиева Гулноз Искандаровна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Касимова Замира Абдуллаевна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**А.М. Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Р.А. Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

**Г.Х. Боқиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида маданиятнинг қадрият билан узвий боғлиқлиги тобора долзарб муаммога айланиб бормоқда. Бу ҳол XX аср охири – XXI аср бошларидаги оммавий адабиёт бадиий дискурснинг муҳим ва мураккаб бир бўғини сифатида кўзга ташланмоқда. Оммавий адабиётнинг жўнлиги, эстетик чеклангани ва оммавий маданий аҳамиятга эга эмаслиги тўғрисидаги қатъий фикрлар узок вақт ҳукм суриб келгани бугунги кунда бу тушунчанинг ўзига хос қиммати ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда холисона тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Дунё адабиётшунослигида, хусусан, АҚШда ҳам XX—XXI асрларда янги замонавий бадиий йўналиш, оқим ва услубларнинг юзага чиқиши, оммавий адабиёт жанрининг шаклланиши, унинг динамикаси, анъанавийлик ва новаторлик жиҳатларини ўрганувчи тадқиқотлар юзага келмоқда. АҚШ оммавий адабиётидаги сентиментал ишқий роман жанрининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари турли мамлакатлар доирасида муайян даражада ўрганилган бўлса-да, бу жанрнинг эволюцион ривожини қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик нуқтаи назардан тадқиқ этилмаган. Оммавий адабиётни чуқур ўрганиш ҳозирги жамият/инсон психологиясини тушунишда катта аҳамиятга эга бўлиб, шу қаторда, сентиментал ишқий роман жанрининг тадқиқи бу муаммони ҳал этишга муайян даражада имкон туғдиради.

Ҳозирги вақтда ўзбек адабиётшунослигида халқимизнинг маданияти ва адабий меросини кенг тарғиб қилувчи халқаро эътирофга лойиқ фундаментал тадқиқотлар, Ғарб мамлакатлари билан турли даражадаги муносабатларни ривожлантириш, шу қаторда, чет эл адабиётини ўрганиш каби муҳим аҳамиятга эга изланишлар олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар жамият моддий ва маънавий маданиятини ҳар томонлама юксалтиришга хизмат қилаётган бўлса, «адабиёт ва санъатга эътибор бу, энг аввало, халққа, келажакка эътибор»<sup>1</sup> бериш, бадиий адабиёт ва маорифнинг ёш авлод маънавий камолотида нечоғли муҳим эканини исботламоқда. Бинобарин, ушбу жанр поэтикасини ўрганиш, типологиясини аниқлаш, жанр назариясига ойдинлик киритиш адабиётшунослик фани олдида турган долзарб вазифалардандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ–3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича

---

<sup>1</sup>Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017, 4 август.

комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда омма психологияси ва оммавий адабиётнинг ўзига хос жиҳатини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар яратилган. Хусусан, Ғарб олимларидан З.Фрейднинг омма психологияси бўйича, Ж. Хэмилтон, Б.Жонс, Ж. Рэдуэй ва А. Горис<sup>2</sup>ларнинг оммавий адабиёт тўғрисидаги назарий қарашлари диққатга сазовордир.

Рус адабиётшунослигида А. Кукаркин, К. Жигульский, Я. Засурский, Н. Купина, Ю. Лотман, Е.Жаринов, А. Лазебникова, Е. Ерохина, А. Захаров, Б. Райнов, Е. Брызгалов, О. Иванова, А. Поршнева<sup>3</sup> каби олимларнинг умумий оммавий адабиётга доир тадқиқотлари мавжуд.

Ўзбек адабиётшунослигида Ҳ. Каримов, И. Султон, М. Саъдий, А. Отабоев, Н. Эшонкул, М. Холбеков<sup>4</sup> каби қатор олимлар мақола, дарслик ва монографияларида оммавий адабиёт феномени ва унинг бадиий-ғоявий хусусиятларини ўрганган, лекин АҚШ оммавий адабиёти хусусияти,

---

<sup>2</sup>Hamilton G., Jones B. Encyclopedia of American popular fiction. – New York.: Facts On File, Inc, 2009. – P.6; Radway J. Reading the Romance: Women, Patriarchy and Popular Literature. – Chappel Hill: University of North Carolina Press, 1984. – 288 p.; Goris A. The Conventions of True Love: a paradoxical reading of Nora Roberts' romance fiction// Journal of Popular Romance Studies. 2.2 (2012); Goris A. Mind, Body, Love: Nora Roberts and the Evolution of Popular Romance Studies// Journal of Popular Romance Studies. October 2012 <http://www.jprstudies.org>; Goris A. Review of Reading Nora Roberts, by Mary Ellen Snodgrass// Journal of Popular Romance Studies.1.1 (2010). pag. Web.9 October 2011; Goris A. The Conventions of True Love: a paradoxical reading of Nora Roberts' romance fiction// Journal of Popular Romance Studies.2.2 (2012). <http://www.jprstudies.org>.

<sup>3</sup>Кукаркин А. Буржуазная массовая культура. – М.: Политиздат, 1985. – 152с.; Жигульский К. Пути развития массовой культуры. – М., 2001. – 152 с.; Засурский Я. Американская литература XX века. – М.: МГУ, 1984. – 504 с.; Купина Н. и др.. Массовая литература сегодня. – М.: Флинта, 2010. – 424 с.; Лотман Ю.М. Массовая литература как историко-культурная проблема// Избранные статьи. – Таллинн: Александра, 1993. – С.380-388; Жаринов Е. Историко-литературные корни массовой беллетристики. – М.: Флинта, 2017. – 184 с.; Лазебникова А. Ю. и др. Массовая культура: Учебное пособие. – М.: Русское слово, 2005. – 256 с.; Райнов Б. Массовая культура. – М.: Прогресс, 1979. – 490 с.; Брызгалова Е.Н. Коммуникативные стратегии в современной массовой литературе// Вестник науки Сибири. – 2012. – №2. – С.254-262; Иванова О. Современный женский любовный роман: между отечественной и западной традицией// Вестник Тюменского государственного университета. – 2007. – № 3. – С.15-24.; Поршнева А. К проблеме рецепции зарубежного любовного романа в России // Вестник Чувашского университета. – 2012. – №2. – С.292-299.

<sup>4</sup>Ҳ. Каримов. Адабиёт назариясининг илмий асослари. – Т.: Янги нашр, 2010. – 136 б.; И. Султон. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 406 б.; Н. Эшонкул. Адабиёт – тарбия воситасими?// Шарқ юлдузи, 2015. – №1. – Б.8 -14; М. Холбеков. Структур адабиётшунослик. – Т.: Навруз, 2014. – 140 б.

сентиментал ишқий романчилик жанри ва, аниқроғи, Нора Робертс ижодига бағишланган махсус тадқиқотлар шу кунгача мавжуд эмас.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида «Адабиёт ва таълими методикаси» кафедрасининг «Ҳозирги замон чет эл адабиётининг асосий ривожланиш тамойиллари» йўналиши бўйича бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Нора Робертс ижодида сентиментал ишқий романчилик жанрининг ривожланиш динамикаси, ғоявий-эстетик хусусияти ва муаллифнинг бадиий маҳоратини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

оммавий адабиётни оммавий маданиятнинг бир қисми сифатида таҳлил қилиш, ушбу муаммо билан боғлиқ асосий тушунчаларни ишлаб чиқиш;

сентиментал ишқий романнинг оммавий адабиётнинг муҳим турларидан бири сифатида бадиий-ғоявий хусусиятини ўрганиш;

ушбу жанрнинг Америка ёзувчиси Нора Робертс ижодида ўзига хослиги, ҳиссий-эстетик ва ғоявий позициясини тадқиқ қилиш;

XXI аср жаҳон адабиётида Нора Робертс асарларининг рецепцияси муаммосини кўриб чиқиш;

сентиментал ишқий романчилик жанрининг турли типларига хос Нора Робертс асарлари сюжети, персонажлар қиёфаси тасвири, тили ва услубининг умумий қонуниятларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Америка Қўшма Штатлари оммавий адабиёти намуналари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Нора Робертс асарларида унинг деталлар яратиш санъати, портретларни тасвирлаш ва пейзаж чизгиларини бериш маҳорати, сўзга чечанлик, алоҳида юмор ҳисси ва қаҳрамонларининг кучли психологик характеристикаларини ярата олиш жиҳатларини ўрганиш масалаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда бадиий матнларнинг комплекс таҳлили (интерпретация ва стилистик таҳлил принциплари), тавсифий, қиёсий-типологик методлар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

сентиментал ишқий романчилик жанрида оммавий адабиётга хос шакл ва мазмун мутаносиблигининг услубий стандартлари исботланган;

Америка оммавий адабиётида бош сюжет чизиғи бўлган муҳаббат мавзуси бошқа мавзуларни ўзига бўйсундириб ҳал қилувчи роль ўйнаши ва сентиментал ишқий жанрнинг гибрид романчилик белгилари Нора Робертс асарлари мисолида асосланган;

аслият матндаги Нора Робертс бадиий техникаси ва ижтимоий-эстетик тасвир услубининг асар воқеликларида тарангликни сақлаб тура олиши, ўқувчи диққатини қочирмаслиги, унинг ҳис-туйғуларига таъсир эта олиш каби уникал жиҳатлари исботланган;

Нора Робертс романларида типологик ва жанр хусусиятларининг бошқа жанр унсурлари билан синтезлашуви муаллиф ижодий индивидуаллигида намоён бўлиши далилланган;

оммавий адабиётда сентиментал ишқий романларга талаб майдонининг кенглиги, унинг эмоционал-экспрессив жиҳатдан ранг-баранглиги билан ўз қатламидаги асарлардан жиддий фарқланиши, нисбий коммуникатив устунлиги ҳамда фаоллиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

оммавий адабиётнинг муҳим жиҳатлари ва жанрлари ўрганилган, сентиментал ишқий роман турлари ажратиб кўрсатилган, ушбу жанрга хос сюжет, қаҳрамонлар ва тўқнашув типлари ишлаб чиқилган;

Нора Робертс прозаси асосида сентиментал ишқий романнинг классик ва гибрид турлари, муаллиф асарларининг тили ва услуби аниқланган;

ушбу тадқиқот материалларидан ҳозирги замон чет эл адабиётини ўрганиш бўйича ўқув қўлланмалари, махсус курслар яратишда ҳамда мазкур соҳада истиқболдаги тадқиқот ишларида кенг фойдаланиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** адабиётшуносликда назарий асосланган илмий хулосалар, оригинал инглиз тилидаги оммавий бадиий адабиётнинг Нора Робертс асарлари нашрларидаги ифодаси, қолаверса, диссертацияда қўйилган вазифаларни ҳал қилишнинг апробацияси, тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади. Шунингдек, диссертация натижаларининг ишонччилигини илмий изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот методлари ҳам тасдиқлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Олий таълим муассасаларида «Адабиётшуносликка кириш ва адабиёт назарияси», «Чет эл адабиёти тарихи» курсларидан маърузалар ва амалий машғулотлар ўтиш, адабиётшунослик методологияси фанидан ўқув қўлланмаларини яратиш ҳамда оммавий адабиёт тилининг долзарб муаммоларига доир махсус курслар ўтишда манба сифатида муҳимлиги билан белгиланади. Шунингдек, Нора Робертснинг бадиий маҳорати ва ижодидаги оммавий маданият стандартларининг уйғунлашуви, тили ва услуби билан боғлиқ материаллар илмий-амалий лойиҳалар, таржимашунослик соҳаларида яратиладиган турли хил луғатлар учун ҳам илмий аҳамият касб этиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти айти пайтда диссертацияда таҳлил этилган бадиий асарлардаги тил фактлари таҳлил ва танқид жараёнида, қолаверса, инглиз тилини ўрганаётган талабалар учун оммавий адабиётга хос услубий тафовутларни англашда муҳим амалий қийматга эгаллиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Американинг оммавий адабиётида ўзига хос ўрин тутган сентиментал ишқий романчилик жанрини



ўрганиш жараёнида олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

сентиментал ишқий роман турлари, жанр учун хос бўлган сюжет, қаҳрамонлар ва асарларда қўлланган конфликт типлари, Нора Робертснинг бадиий маҳорати ва унинг ижодидаги оммавий маданият андозаларининг уйғунлашуви, тили ва услуби билан боғлиқ натижалардан Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг «Ўзбекистон ва жаҳон адабиётида умумбашарий мавзулар» номли экспозициясида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 17 апрелдаги 311255-978–сон маълумотномаси). Такдим этилган хулосалар ва материаллар АҚШ оммавий адабиёти контекстида сентиментал ишқий роман турлари ва улар оммабоплигининг ўзига хос хусусиятларини намойиш этишда асос бўлган;

Америка оммавий адабиётининг сентиментал ишқий романлар оммабоплигининг асослари, Нора Робертс бадиий техникаси ва маҳорати, унинг романларидаги бадиий образлиқнинг конкрет йўллари тўғрисидаги хулосалар «Conversation Club» илмий фаолиятида фойдаланилган (Америка Қўшма Штатлари элчихонасининг 2018 йил 28 мартдаги маълумотномаси). Натижада клуб тингловчиларига Америка халқи маданияти ва адабиётининг бир йўналиши бўлган АҚШ оммавий адабиёти орқали маданиятлараро ўзига хос миллий ва универсал хусусиятларни тўла-тўқис очиб беришга хизмат қилган;

ҳозирги замон бадиий асарларидаги ўзбек миллий менталитетига мос келмайдиган бир қатор ишқий сахналар тасвирланган натурализмнинг салбий таъсири танқидий таҳлилидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Маданият ва маърифат» телеканалидаги «Мезон» туркум телекўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Давлат унитар корхонасининг 2018 йил 11 майдаги 01–16/280–сон маълумотномаси). Тадқиқот материаллари телекўрсатувнинг оммавийлигини ошириш, мумтоз адабиётнинг оммавий адабиётдан фарқли жиҳатлари, миллатнинг умумий маданий савиясига оммавий адабиётнинг таъсирини ёритиб беришга хизмат қилган;

сентиментал ишқий роман жанри билан боғлиқ терминлардан «Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув асосида магистратура ихтисосликлари учун назарий фанлар бўйича инглиз тилида дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалари яратиш ва лингвистик атамалар ўзбек-инглиз-рус тиллари луғатини яратиш» мавзуидаги А-1-209 рақамли давлат амалий гранти лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 февралдаги 89-03-608–сон маълумотномаси). Натижада жаҳон адабиёти ва маданияти, уларнинг хилма-хиллиги, миллийлиги ва универсаллигини кўрсатувчи лексикани ифодалашда асос бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та республика ва 3 та халқаро илмий амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси

бўйича 16 та илмий иш эълон қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 164 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, объекти ва предметига тавсиф берилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, шунингдек, диссертация бўйича нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**«Оммавий адабиёт» замонавий адабий жараён контекстида»** номли биринчи бобида оммавий адабиётнинг хусусиятлари ва ижтимоий роли тўғрисидаги назарий масалалар кўтарилган.

Б.Тўхлиев таъбирича, *«Бадиий асар ҳақиқатда тарбия воситаси. Бўлганда ҳам ниҳоятда кучли, қудратли ва таъсирчан воситадир. Бу ҳақиқат одамзод томонидан жуда қадим замонлардаёқ англаб етилган»<sup>5</sup>*. Замонавий адабий жараён мураккаб ва серқирра бўлиб, унда бир-бири билан тез-тез тўқнашиб турувчи, баъзан қоришиб кетувчи турли оқим ва йўналишлар мавжуддир. Бадиий асарларнинг барчаси бир хилда юқори савияда ёзилмаслиги аён ҳақиқат ҳисобланади, махсус тайёргарлиги бўлмаган ўқувчи мумтоз адабиёт («юқори адабиёт») билан оммавий асарларни ўз билим даражасидан келиб чиқиб осон фарқлайди. Бироқ, айниқса, чет эл адабиёти мутолааси икки турли маданиятни қиёслаш муаммоси – интерференцияни келтириб чиқаради, бу жараёнда уларни фарқлаш тамойилларини тезда фаҳмлаш қийинчилик туғдиради.

«Оммавий адабиёт» термини узоқ вақтлардан бери мавжуд бўлиб, баъзан «попмаданият» («popculture») бирикмаси ҳам синоним сифатида қўлланади. Бироқ илмий тадқиқотлар ва танқидий мақолаларда бу тушунчаларнинг бир биридан фарқланадиган маъноларини ҳам учратиш мумкин.

«Оммавий адабиётнинг бадиий ўзига хослиги» номли биринчи параграфда рус ва ғарб адабиётшунослигида оммавий адабиётга берилган таърифлар таққосланди. Рус олими А.Кукаркин *«(Маданий мулоқотдаги) оммабон воситалар ва бутун оммавий маданият, гарчанд ўтмиш даврларда*

---

<sup>5</sup>Б.Тўхлиев. Адабиёт истеъдодли ёзувчинигина эмас, балки истеъдодли китобхонни ҳам талаб қилади. – Т., “Шарк юлдузи” журнали, 2015. – № 3. – Б. 44-52.

унинг мухлислари кўпчиликни ташкил қилган бўлса-да, фақатгина айни пайтда мавжуд бўлган жамоа ҳажми билан белгиланади. Бунда ҳал қилувчи жиҳат мазмуннинг ички мантиқ-маъносига эътибор қаратмайди, балки иқтисод нуқтаи назаридан бозор манфаатларига асосланган санъат (ёки фан, дин, сиёсат) эҳтиёж учун деб талқин қилаётган истеъмолдаги нарсаларни назарда тутуди»<sup>6</sup>, – деб ёзганида мутлақо ҳақ эди. Унинг фикрича, молиявий манфаат «оммавий маданият»нинг бутун мазмунини белгилаб беради.

Ижтимоий ёндашув «оммавий адабиёт»нинг пайдо бўлиши ва яшаб қолишининг умумий тамойилларини тушуниш имконини берса-да, унинг ўзига хос намуналарини таҳлил қилиш, ўрганиш жараёнида бадиий асарнинг сифати, ёзувчининг маҳорати ҳақида ҳақли саволлар туғилади. Оммавий маданият (хусусан, адабиёт ҳам) шунчаки кенг оммага қаратилган бўладими ёки унинг давомийлиги (умри) сифат ва бадиий қийматни баҳолашни англатадими?, деган саволларга жавоб бериш лозим бўлади.

Бугунги жамиятда адабиёт истеъмоли, табиийки, мавжуд талабларга мослашмоқда, уларни қондиришга ҳаракат қилмоқда. Буларнинг барчасининг ортида тижорий молиявий манфаатлар ётади. Шунинг учун ҳам «оммавий маданият» ҳақида сўз очилганида бадиий асар сифатининг «юқори адабиёт»га мансуб, мохирона яратилган асарларга нисбатан пастлиги эътироф этилади. Болгар назариётчиси Б.Райнов: *«Ишлаб чиқаришнинг мана шу хусусиятлари «оммавий маданият»нинг яна бир муҳим белгисини – санъатдан мақсад – кўнгиш очиб деб тушунувчи истеъмолчининг оддийгина талабларидан келиб чиқиб, оммавий маданиятнинг ўртамиёна ёки паст сифатини белгилаб берди. Қолаверса, саноат маҳсулотининг ўртамиёна сифати – «истеъмолчилик даври»даги кўпчилик ишлаб чиқариш соҳалари учун тамомила оддий бир ҳолдир. Инсонга тақлиф қилинган товар камдан-кам ҳолларда чидамли ва ҳеч қачон мукамал бўлмаган, бироқ у доимо арзон, бунинг устига уни бошқаси билан осонгина алмаштириш мумкин. «Оммавий маданият»га хос «бадиий» асарлар ҳам тез эскирувчи, ўзига ўхшаган чидамсиз стандарт маҳсулотлар билан осонгина алмаштирилувчи қандайдир нейлон пайпоқ ёки сифатсиз кийим сингари узоққа бормайди»<sup>7</sup>, деб ёзади. Бу тасвирлаш тўғри бўлишига қарамай, муаммонинг барча жиҳатларини тўлақонли тушунтирмайди. М.А.Чернякнинг фикрича: *«Оммавий адабиёт универсал термин бўлиб, у бадиий адабиётдан эстетик хусусиятларни ажратиш натижасида пайдо бўлди ва замонасининг расмий адабий иерархиясига кирмайдиган қуйи қатламни англатади...»<sup>8</sup>*. Бироқ, «оммавий адабиёт»га кирувчи ҳамма асарларни ҳам бир хил даражада, деб тасаввур қилиш, бизнингча, нотўғри. Баъзилари анча машҳур, бошқалари эса унчалик таниқли эмас, ва уларнинг яшаб қолиш даври бу асарлар сифатини маълум маънода белгилаб беради.*

<sup>6</sup> Кукаркин А. По ту сторону расцвета. Буржуазное общество: культура и идеология. – М.: Политиздат, 1981. – С. 240.

<sup>7</sup> Зверев А. М. Лики массовой литературы США – М.: Наука, 1991. – С. 110.

<sup>8</sup> Черняк М.А. Массовая литература XX века. – М.: Флинта, 2013. – С. 35

Кейинги йилларда ўзбек адабиётшуносларининг оммавий адабиётга муносабатлари турлича бўлмоқда. Масалан, адабиётшунос Д.Куронови таъкидича, «Сўнгги йилларда адабиёт қандай бўлиши кераклиги тўғрисида баҳслар юритилмоқда. Кимдир у оммавий бўлиши керак деб таъкидласа, бошқалар адабиёт элитар бўлиши керак деб ҳисоблайди. Иккинчи томон адабиёт оммавий бўлишига бутунлай қарши, биринчи томон эса, агар адабиёт фақат ўта ақллилар учун яратилса, у ҳолда адабиёт ўзининг жамиятдаги аҳамиятини бутунлай йўқотади, деб ҳисоблайди. Биринчи кўринишида бу баҳс ҳеч қачон барҳам топмайдигандай, лекин бизнинг фикримизча муаммонинг ечими келишувдир»<sup>9</sup>. Унинг фикрига кўра, бадиий адабиётни истеъдодлар яратади. Истеъдод эса оммадан теран заковат, тафаккур доирасининг юқорилиги билан фарқланади. Табиийки, ҳақиқий истеъдод эгаси томонидан яратилган асар даражаси юқори бўлади. Бундай адабий-маданий муҳитда шаклланиб борган истеъдодни оммадан ажратиш мураккаб, шу сабабли «омма учун махсус ёзиш» нотўғри ёки қобилиятсизликни яширишнинг бир усули деб тушуниш мумкин.

Америкалик адабиётшунослар Ж. Хэмилтон ва Б.Жонс «оммавий адабиёт»нинг «жиддий» адабиётдан фарқини унда сюжет ва воқеаларни ривожлантиришга бўлган интилишда кўрадилар: «*We would suggest that popular fiction is not second-rate fiction but first-rate storytelling. Of course, Tolstoy was also a great storyteller, but many other literary authors are not (they are just literary). The authors discussed ... are the premier storytellers of our time, and their stories, the premier stories of our time – as stories. These authors are just storytellers, and that is a priceless gift*»<sup>10</sup>. Ушбу тезис, бизнинг назаримизда, мунозарали бўлиб туюлади. Бошқа томондан, «катта» адабиётнинг кўпгина асарлари бутун диққат-эътиборни талаб қилувчи воқеалар занжирига эга бўлса, «оммавий адабиёт» эса илмий ва фалсафий фикрлар сюжетини ҳеч бир жўшқинликсиз ўхшатиб, ясаб бера олади, яъни уларни жўнгина қабул қилиш мумкин бўлади. Муаллифнинг бирдан-бир мақсади қиссадаги воқеа-ҳодисаларни ёритишдангина иборат дейдиган бўлсак, бу «оммавий адабиёт»нинг муҳим хусусияти сифатида кўзга ташланади.

«Катта» ва «оммавий» адабиёт ўртасидаги принципиал фарқ нимада? Бу ерда гап жанр, мавзу ёки услубда эмас. А.М.Зверев ҳақли равишда, «*ҳақиқий «катта адабиёт»нинг моҳияти «муаллифнинг ўз позицияси ва воқеликка боғланиб қолмаган ҳолида чинакам кўп қиррали образларни яратишидан иборат*»<sup>11</sup>, – деб ҳисоблайди. Айтиш мумкинки, демак, «оммавий адабиёт» фақатгина истеъмолчи талабига мўлжалланган. У мана шу бош сабабнинг натижасидир. У бирор-бир янгилик айтишга, ўқувчининг ақл-идрокини оширишга хизмат қилмайди. «Оммавий адабиёт»нинг бошқа барча хусусиятлари ҳам ана шу сабабга боғлиқ ҳолда ривожланади.

<sup>9</sup> Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: А.Қодирий халқ мероси нашриёти, 2004. – Б. 23

<sup>10</sup> Hamilton G. and Jones B. Encyclopedia of American popular fiction.–NewYork.: Facts On File, Inc, 2009. –P.6.

<sup>11</sup> Зверев А. М. Лики массовой литературы США. – М.: Наука, 1991. – С. 18-19

«Оммавий адабиёт» жанрлари тизимида сентиментал ишқий роман» деб номланган иккинчи параграфда оммавий адабиётнинг типик жанри ҳисобланган сентиментал ишқий романларнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилди ва тадқиқотларда бундай асарлар «аёллар романи», «хонимлар романи», «сентиментал роман» каби терминларда ҳам ифодаланиши кузатилди: Ушбу жанр моҳиятига олимлар *«Одатда эркак ва аёл қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатларидаги севги воқеаларини очиқ мелодрама тарзида тасвирлашга бағишланган муҳаббат романига хонимлар (аёллар, love-story) романи деб, айтилади»*<sup>12</sup>, деб таъриф берадилар. Ушбу таърифни фақат бир изоҳ билангина қабул қилиш мумкин. XVIII асрда мавзуга оид бир қанча сентиментал асарлар ёзилган (Н. Карамзин, О. Голдсмит, С. Ричардсон ва бошқалар). Муҳаббат мавзуи XIX ва XX аср атоқли ёзувчиларининг асарларида ҳам ҳукмронлик қилади. Мас.: Л. Толстойнинг «Анна Каренина», Г. Флобернинг «Бовари хоним» асарлари. Бу асарлар ва сентиментал севги романи ўртасидаги фарқ уларнинг сифатида: мумтоз ёзувчилар ижодида муҳаббат ҳисси индивидуал ва ижтимоий муаммолар контекстида кўриб чиқилса, айна пайтда оммавий адабиёт уларни содда тасвирлайди, мавжуд қонуниятларни оммавий адабиёт жанри қолиплари асосида очиб беради.

Таъкидланганидек, муҳаббат мавзуси бу жанрда ҳал қилувчи рол ўйнайди, бошқа барча туйғулар унга бўйсунishi, бош сюжет чизигининг ривожланишига хизмат қилиши лозим бўлади. Н. Купина, М. Литовская, Н. Николина ишқий сентиментал роман сюжетининг ўзига хослигини қуйидагича таърифлайдилар: *«Хонимлар романи ижтимоий психологик роман, детектив, саргузашт асар ва тарихий романга яқин бўлиши мумкин, лекин унда асосий ўрин севги қиссасини таърифлашга берилади. Қаҳрамонлар учрашадилар, уларнинг ўртасида нозик туйғу пайдо бўлади ва ривожланади, бироқ улар муносабатлари учун ноқулай бўлган вазият туфайли кейинроқ яна қайта топшиши (бирлашиши) учун ажраладилар. Хонимлар романидаги севги воқеаси сюжети «тақдирга битилган» ёки «маиший» тўсиқларга асосланган, ёки унинг акси бўлишидан қатъий назар, одатда янги учрашув, қаҳрамонларнинг муносабатларини ойдинлаштириб олишлари ва ушбу парчаланган муносабатларни тиклашга тайёрлик ортидан доимо бахтли ечим топади»*<sup>13</sup>. Лекин мумтоз асарларда севги туйғуси ҳал қилувчи воқеа бўлмайди (ушбу мавзу ҳақида «катта адабиёт» ҳақида сўз кетганда айтиб ўтилган эди).

Демак, хонимлар романининг сюжети ўз ичига ижтимоий танқид, панд-насихат ва бошқаларни олса-да, бироқ буларнинг барчаси севги воқеасини тасвирлашда нисбатан иккиламчи рол ўйнайди. Шунингдек, «оммавий адабиёт»да баъзан триллерда кўрқув, фэнтезида жодугарлик, сеҳргарлик кабилар ҳам бош мақсад сифатида кўрилишини кўшимча қилиш мумкин.

Диссертация ишининг **«Нора Робертс ижодида «классик»**

<sup>12</sup>Купина Н., Литовская М., Николина Н. Массовая литература сегодня. – М.: Флинта, 2010. – С. 29-33

<sup>13</sup>Купина Н., Литовская М., Николина Н. Массовая литература сегодня. – М.: Флинта, 2010. – С. 38

**сентиментал ишқий романлар»** деб номланган иккинчи боби уч қисмдан иборат бўлиб, «АҚШ адабиётида сентиментал ишқий роман. Қисқа очерк» деб номланган биринчи қисмида XVIII – XIX аср инглиз адабиёти намояндalари С. Ричардсон, Ж. Остин, Ш. Бронтенинг ижодида намоён бўлган сентиментал ишқий роман тарихи тадқиқ қилинади.

Ҳозирги вақтда АҚШ, Европа, Австралияда сентиментал ишқий роман жанри ниҳоятда оммабоп ҳисобланади (2004 йилда сотилган юмшоқ муқовали барча китобларнинг 55%ни ташкил этган). Бундай кескин талаб ишқий сентиментал роман жанрида ижод қилувчи ўнлаб ёзувчиларни юзага чиқарди. Уларнинг баъзилари ҳеч қандай истеъдодга эга бўлмасдан, шунчаки аввалдан мавжуд образларга тақлидан ёзадиганлар бўлиб, уларга ёки эътибор берилмайди, ёки тезда унутилади. Аммо уларнинг орасида муваффақиятли ижод қилаётганлари, романчиликда адабий қобилиятдан йироқ бўлмаганларни ҳам учратиш мумкин. Бу ёзувчилар яратган асарларнинг машҳурлиги сабабини тўлиқ изоҳлаш керак бўлади.

Машҳурликка эришган муаллифлардан бири Нора Робертс бўлиб, тадқиқот давомида у АҚШ сентиментал ишқий романчилиги жанрида ўзига хос, ва балки, энг эътиборга лойиқ образлар яратган ёзувчилиги кузатилди. Шу билан бир қаторда таъкидлаш жоизки, ёзувчининг машҳурлиги китоб бозорини аниқ мўлжалга ола билишида эмас, балки китобхонни ўзига ром қилувчи сюжетлар ярата олиши ва бутун диққат-эътиборни доимий жалб қилиб туриши билан боғлиқдир.

Нора Робертс (Nora Roberts, 1950) – Элеонор Мэри Робертсон исми ва фамилиясининг қисқарган шаклидан ясалган адабий тахаллусдир. Биринчи бўлиб Америка Сентиментал ишқий романчилиги Машҳурлик Зали номли мукофотга сазовор бўлган (The Romance Writers of America Hall of Fame) бу ёзувчи кўп ҳолларда трилогия сифатида чоп этиладиган икки юздан ортиқ серияли ишқий романлар муаллифи ҳисобланади.

«Нора Робертснинг сентиментал ишқий романларида ҳозирги давр реалиясининг акс этирилиши» деб номланган иккинчи қисмда оммавий китобхонга яхши таниш ва тушунарли бўлган, айти замонамизда рўй бераётган воқеалар ривожини акс этган романларнинг бадиий қиммати ўрганилган. Асарлари бугунги Американинг реал ҳаётини ҳодисаларига тўла ёзувчи ўзини фантастик ва ўта мураккаб тўқималар билан қийнамайди. Таъкидлаш жоизки, «Жекини севмоқ» (Loving Jack, 1989) ва «Габриэлнинг фариштаси» (Gabriel's Angel, 1989) каби қатор сентиментал ишқий романларида ҳаётини кечинмаларнинг эркин ифодаланиши Нора Робертс ёзувчилик қобилияти ва ижодининг ўзига хослигини белгилайди.

«Жекини севмоқ» романида воқеалар ривожини ҳам, саргузашт ҳам кузатилмайди. Роман сюжети бор-йўғи қаҳрамонларнинг севги изтироблари билан боғлиқ бир неча эпизоддан иборат. Улар навбати билан тавсифланади ва таққосланади. Ижод қилиш учун хилват жой қидираётган ёш ёзувчи Джеки Макнамара даллол орқали ҳашаматли уйни ижарага олади. Лекин тезда уй эгаси пайдо бўлгач, тузилган битим оддий товламачилик эканлиги

аниқ бўлади. Уй эгаси машхур архитектор Нэйтон Пауэлл аввалига тинчлигини бузган Жекини шунчаки ҳайдаб юбормоқчи бўлади, аммо кейин аёлнинг ошпазлик қобилияти туфайли уни олиб қолади. Қахрамонлар ўзига хос икки ойга мўлжалланган «шартнома» туздилар. Унга кўра, Жеки романини ёзиб тугатгунига қадар уй бекаси вазифасини бажариши ва Нэйтонга хизмат қилиши керак эди. Дастлабки тушунмовчилик, зиддият, табиийки, вақт ўтиши билан ўзаро чуқур туйғуга айланади.

Асарда бош қахрамон образлари тўлақонли очиб берилган. Жеки аввал бошиданок муҳаббат шайдоси сифатида тавсифланади: «*Of course, she acknowledged, she did fall in love easily. It wasn't that she was easily impressed, she was just open, wide-open, to emotions – her own and everyone else's*». У ишқий муносабатларни осонлик билан бошлаб шундай осон, ҳеч қандай афсус ва «юрак оғриқларисиз» яқунлар, икир-чикирлар ҳақида қайғуриб ўтирмас, ҳаётида ўзгаришлар бўлишига, ўзига хос саргузаштларга интилиб яшайди, унга «ҳамма нарсани янгидан бошлаш» хуш ёқади. Шу билан бирга, мутолаа давомида китобхонга унинг ҳақиқий муҳаббати ҳали олдинда, деган фикр сингдириб борилади.

«Жекини севмоқ» романи бу жанр учун анъанавий, шу қаторда, энг яхши намуналардан бири ҳисобланади. Камчиликларга (такрорланиш, бир хил қолип, сийқаси чиққанлик ва ҳ.к.) қарамай, асар қахрамонлари психологик жиҳатдан чуқур таҳлилга тортилган, инсонни улуғловчи буюк туйғу – муҳаббат тараннум этилган, ижобий ҳиссиётлар ёрқин ифодаланган.

Замонавий турмуш тарзини акс эттирувчи ишқий романларнинг яна бир ўзига хос намунаси – «Габриэлнинг фариштаси» (Gabriel's Angel) баъзи жиҳатлари билан «Жекини севмоқ» романига қандайдир ўхшаш туюлса-да, бир-биридан сезиларли фарқланади.

Жеки билан таққослаганда, Лора бахтсиз қисмат эгаси. Агар Жеки ўзига тўқ, ҳаётий муаммоларсиз яшаган бўлса, Лоранинг тақдирини фожиали дейиш мумкин. Лоранинг муҳаббати – уни қутқарган халоскорига оддий миннатдорлик туйғуси эмас, балки у ўз идеали – ҳақиқий инсон, мард эркакни учратганлигини ҳис қилади, тушуниб етади. Аввалига унга нисбатан бутунлай бефарқ, шунчаки инсонийлик бурчини бажараётган Гейбга бўлган ўзининг чуқур ҳис-туйғуларидан Лора ларзага тушади. Асар давомида турли гумон ва кечинмалар қамровида қолган Лора ниҳоят ҳаёти учун янги мазмун касб этган тўғри хулосани чиқаради: «*This was what she wanted, to be his in every way, in all ways. The confusion, the doubts, the fears, drained away. No memories intruded when he held her like this*». Энди у севгиси самимийлигига, муҳаббатининг «тўғри йўлда» эканлигига ишонади ва шубҳага солувчи хатоларга йўл қўймайди.

Лоранинг муҳаббати ишонарли ва мантиқан ривожланади, аммо Гейбнинг севгиси тўғрисида бундай деб бўлмайди. «Жекини севмоқ» романидагидек, бу ерда ҳам ўқувчи эркак қахрамоннинг ҳиссиётларини тўхтатиб турувчи эрларга хос комплекслар билан тўқнашади. «Габриэлнинг фариштаси»да ҳис-туйғуларини кўп жиловлайдиган эркак образи ўз бахтини

ўзи узоклаштириши ва ҳақиқий муҳаббатга ошно аёлнинг сабру садоқати воқеалар ривожидан давомийлигининг бош сабаби дейиш мумкин.

«Жекини севмоқ» романидаги Нэйтон каби Гейб ҳам дарҳол босиб ўта олмайдиган ҳаётининг принципларига эга. Нэйтондек у ҳам ёлғизликка мойил, деярли тарки дунё қилган инсон каби яшайди (бунинг унчалик ишонарли бўлмаган сабаблари асарда кейинроқ очиқ берилади). Безори, шу билан бирга романтик олийжаноб бу қаҳрамонини ёзувчи ўта чиройга эга инсон сифатида тасвирламаса-да, ҳарқалай у ташқи кўринишидан хушбичим: «*His face, which had been hard and tight with concentration, relaxed. It wasn't a smooth or particularly handsome face. It was too thin and angular to be merely pleasant, and the nose was out of alignment due to a heated disagreement with his younger brother during their teens. Gabe hadn't held it against him*». Бундай ифода Нора Робертснинг кўп асарларида учрайди: қаҳрамон мукамал ташқи кўринишга эга, бироқ ёзувчининг ғоясига кўра образни реал ҳаётга яқин қилиб кўрсатувчи қандайдир нуқсон (чандик, яранинг изи, лат ва ҳ.к.) бўлиши керак.

«Жекини севмоқ» ва «Габриэлнинг фариштаси» романлари бадиий жиҳатдан ёмон ёзилмаган, шунингдек, улар Нора Робертснинг индивидуал ижод усули, оммавий жанр анъана ва меъёрларини уйғунликда олиб борганини кўрсатди.

«Нора Робертснинг сентиментал ишқий романи тарихий контекстда» деб номланган учинчи қисмида сўз воқеалар ривожидан қадим замонларда рўй берган асарлари тўғрисида боради. Улардаги романтик саргузаштлар, ўтмиш экзотикасига маҳлиё бўлиш китобхонни зерикарли кундалик ҳаёт икки-чикирларидан чалғитади, шу билан бирга ўқувчи тарихга илмий нуқтаи-назардан ёндашиш, ўша замон факт-воқеликларини аниқлаш ва шарҳлашга эҳтиёж сезмайди. Ўқувчининг эътиборини торта олган ёзувчи тарихий воқеа-ҳодисалар тасвири, ўтмишнинг машҳур қаҳрамонларини асарга киритиш ва ушбу контекстнинг асосий мавзуси – севги сюжетини моҳирона ишлаб чиққан.

Бундан ташқари, муаллиф тарихга мурожаат қилса-да, сюжетнинг етакчи кучи муҳаббатга алоқасиз, аммо бир пайтда содир бўлган ўша давр воқеаларини осон тушириб қолдиради, асарда фақат севги зиддиятларини ишонарли очиқ беради. Бундай романлар қаҳрамонлари синфий мансублик, ўтакетган мутаассиблик, ўтган даврларга хос ижтимоий ҳаёт принципларига эгалик сифатларини намоён қилади.

Ёзувчининг воқеалар ривожидан ўтмишда бўлган ва тарихий воқеалар фонига кўчириб ўтказилган сентиментал ишқий романлари сирасига кирувчи асарларидан бири «Исён»дир (Rebellion). Китобхонлар томонидан матбуотда 7 мингдан ортиқ фикр билдирилиши ва у ҳақида 177та қисқа тақризлар чоп этилиши асарнинг машҳурликка эришганидан далолат беради.

Асардаги муҳаббат тасвирига XVII асрда тоғли Шотландияда рўй берган «Якобитларнинг иккинчи кўзғолони» (1745—1746) тарихий фон сифатида хизмат қилган. Бунда қувилган қирол Яков III тарафдорлари («якобитлар»)



Кўркам йигит (Boonnie) лақаби билан машҳур бўлган шахзода Чарльз Эдуард Стюарт бошчилигида (1720—1788) Стюартлар сулоласи ҳукмронлигини тиклаш, аслида инглизларга қарши Шотландияда мустақиллик ўрнатмоқчи бўлган Ганноверлар сулоласига қарши курашганлар.

Умуман олганда, Нора Робертс тарихий ҳақиқатга кўра иш тутади, лекин онгли равишда ўзининг ишқий сюжети билан боғлиқ бўлмаган қизиқарли деталларни четлаб ўтади (мас.: аёллар кийимини кийган йигитнинг кутқарилиши, шотландияликлар учун тарихни ўзгаришига сабаб бўлган Коллоденск жанги вақтидаги об-ҳаво). Романда «хайлендерлар» (тоғли Шотландия аҳолиси) ҳаёти, турмуши, Шотландия табиати жуда моҳирона тасвирланганлигини тан олсак-да, бироқ, Нора Робертснинг «Исён»и эпик полотно сифатида тарихий эмас, балки сентиментал ишқий романдир. Ёзувчи ўзи танлаган тарихий воқеаларни тўғри тасвирлаш билан бирга, уларни таҳлил қилмайди, воқеалар сабаби, қонуниятлари ва натижалари ҳамда тарихий жараённинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга ҳаракат ҳам қилмайди. Ёзувчи тарихий воқеаларни объектив, аммо шу билан бирга ишқий сюжетни очиб бериш учун фон вазифасида қўллайди, холос. Унга *тарихий колорит* фақатгина қаҳрамонлари ҳис-туйғуларини мураккаб синовдан ўтказадиган фитнани кучайтириш, қарама-қаршилиқларни келтириб чиқариш учун керак.

«Исён»даги муҳаббат тарихий шарт-шароитлар (уруш), миллий (қаҳрамонлар турли халқ вакиллари) ва синфий мансублик (қаҳрамонлар ҳар хил ижтимоий табақадан) ҳамда шахсий (хулқ-атвори, шахсий ишонч ва принциплари) зиддиятларни енгиб ўтиши зарур. Роман қаҳрамонларининг ҳар бирида ўз ҳис-туйғуларини тушуниб етиш ва баҳолашга ҳалал берувчи бир қатор комплекслар тасвирланган.

